O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

● 2005-yil ● 10-noyabr ● Payshanba ● 137 (27.472) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 9 НОЯБРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (ОТБ) ПРЕЗИДЕНТИ ХАРУХИКО КУРОДАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

— Ўзбекистон билан Осиё тараққиёт банки ўртасида яхши, ишончли алоқалар йўлга қўйилган, — деди Ислом Каримов. — Мамлакатимиз дунёдаги аксарият халқаро молия муассасалари билан алоқа ўрнатган, лекин ОТБ билан ҳамкорлигимиз алоҳида ўрин тутади.

Икки томонлама ҳамкорлик транспорт инфратузилмасини ва шаҳарларда сув таъминоти тизимларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, таълим, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби йўналишларни ўз ичига олади. 2005 йил 1 ноябргача ОТБ томонидан Ўзбекистонга 17 лойиҳа бўйича қарийб 740 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган. Таъкидлаш жоизки, ОТБ бу борада халқаро молия муассасалари орасида биринчи ўринда туради.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам мустаҳкамланаверишига ишонч билдирди.

Х.Курода ОТБ Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенг кўламда давом эттириш ва изчил ривожлантириб бориш тарафдори эканлигини таъкидлади. Самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон — ОТБ муносабатларига доир масалалар, қўшма лойиҳалар ижросининг бориши ва янгиларини ишлаб чиқиш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистонга ташриф буюришни лутфан таклиф этиб йўллаган мактубингиз бизни беҳад қувонтирди. Ҳиндистон билан Ўзбекистон узоқ даврларга бориб тақаладиган тарихий илдизлар ва маданий алоқалар бирлаштириб турадиган қўшни давлатлардир. Биз мана шу тарихий асосда барпо этилган бугунги ўзаро манфаатли муносабатларимизни юксак қадрлаймиз.

Жаноби Олийлари, Сизнинг Ҳиндистонга 2005 йил апрелдаги ташрифингизни ҳамда жорий йил май ойида Москвада бўлган учрашувимизни мамнуният билан эслайман. Сизнинг мулоқотларимизни ва олий даражадаги учрашувларимизни мунтазам давом эттириш зарурлиги тўғрисидаги фикрингизга тўла қўшиламан. Бундай учрашувлар ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро ва минтақавий сиёсатга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш ҳамда қабул қилинган қарорларнинг ижросини тезлаштириш учун қулай имконият яратади.

Шу муносабат билан Сиз, Жаноби Олийларининг таклифини қабул қилиш менга катта мамнуният бахш этади. Ушбу имкониятдан яқин кезларда, икки томон учун ҳам қулай вақтда фойдалана оламан, деган умиддаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига юксак ҳурмат-эҳтиромимни, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаб билдирган истакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Манмохан СИНГХ,
Ҳиндистон Республикаси Бош вазири

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ 50 ЁШДА

Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг, биз телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасига, жумладан, мазкур олий ўқув юрти ривожига нақадар жиддий эътибор бериб келаётганимиз, ўйлайманки, барчамизга яхши маълум.

Ислом КАРИМОВ

Бугунги ҳаётимизни телекоммуникация ва ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қайси соҳа ёки тармоқни олмайлик, унинг тараққиётида биринчи галда мазкур йўналишлар ўрни борлигини кўрамиз. Буни дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибаси мисолида яққол англаш мумкин.

Истиқлол йилларида бу замонавий соҳани жаҳон андозалари даражасида, халқаро талабларга мос тарзда ривожлантириш, уни юқори малакали кадрлар билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилди. Бу улкан ва ўта масъулиятли вазифани бажаришда Тошкент ахборот технологиялари университети таянч олий ўқув юрти сифатида белгиланди.

Айниқса, кейинги вақтда мазкур олий ўқув юрти фаолиятини такомиллаштириш, унинг илмий-педагогик салоҳияти, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. 2002 йил 30 майда олий ўқув юрти ривожида янги босқич бошланди. Президентимизнинг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонига кўра, Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилди. Бугун бу ерда талабаларнинг замонавий билим асосларини пухта эгаллаши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улар замонавий ўқув адабиётлари ва интернет тизимидан мунтазам фойдаланиб келмоқда. Ўқитиш жараёни илғор педагогик технологиялар ва компьютер тизими ёрдамида олиб борилади.

Президентимизнинг шу йил 2 июнда қабул қилинган «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ университетнинг Нукус, Қарши, Самарқанд, Фарғона ва Урганчда минтақавий филиаллари ташкил этилди. Республикамизнинг барча ҳудудларини қамраб олган мазкур филиалларда эса жорий ўқув йилида 510 нафар талаба таҳсил олишни бошлади.

Куни кеча пойтахтимизда Тошкент ахборот технологиялари университети ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб катта байрам тадбири ўтказилди. Унда олий ўқув юрти талабалари, профессор-ўқитувчилар, мамлакатимиз олий даргоҳлари ректорлари, хорижий элчихоналар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Президентимизнинг Тошкент ахборот технологиялари университети ташкил этилганининг 50 йиллиги муносабати билан университет жамоасига йўллаган табригини Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Арипов ўқиб эшиттирди.

Ушбу табрик ҳамда мамлакатимиз раҳбарининг Тошкент ахборот технологиялари университети ташкил этилганининг 50 йиллиги муносабати билан алоҳида ўрнак кўрсатган профессор-ўқитувчилардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармони университет жамоасини янада тўлқинлантириб юборди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар ёшларга ғамхўрлик, республика таълим тизимини ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани учун мамлакатимиз раҳбарига самимий миннатдорчилик изҳор этдилар.

Тадбир сўнггида йиғилиш қатнашчилари учун Ўзбекистон санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури намойиш этилди.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: университет ҳаётидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар



БЮДЖЕТ ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА ФРАКЦИЯ НУҚТАИ НАЗАРИ БАЁН ЭТИЛДИ

Илгари хабар қилинганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида 2006 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама этилди. Ушбу масалага Ўзбекистон ХДП фракцияси алоҳида эътибор берди, чунки халқимиз фаровонлигини оширишда бюджет роли беқиёслиги ҳаммага маълум. Фракциянинг бу масаладаги позицияси шундан иборатки, у ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, устувор инвестиция ва бошқа муҳим давлат дастурларини амалга оширишга бюджетдан молиялаштиришнинг мумкин қадар самарали бўлишини таъминлаш тарафдоридир.

ХДП фракцияси бюджет лойиҳасининг пухта тайёрланганлигини, барча кўрсаткичлар мувозанатига эътибор берилганлигини қайд этади. Муҳокамага чиқарилган лойиҳанинг муҳим ижобий томонлари шундаки, унда бюджет камомади ялпи ички маҳсулотнинг 1,5 фоизи даражасида режалаштирилган ва ижтимоий дастурларни бюджетдан молиялаштириш устуворлиги сақланган. Лойиҳада юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан солиқ юкини янада камайтириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш мақсадида солиқ ва бюджет сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишнинг янги прогрессив ёндашувлари қўлланилганлиги кўзга ташланади.

Шу билан бир қаторда, лойиҳа юзасидан фракция аъзолари баъзи фикр ва таклифлар ҳам билдирди. Чунончи, 2006 йилги Давлат бюджети лойиҳасининг харажатлар бўлими инвестициялар қисмида **меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан тўлақонли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш** масалаларига етарлича эътибор бериш зарурлиги айтилди.

Маълумки, яқингача иқтисодиётнинг реал секторида, демографик вазият туфайли, меҳнатга қобилиятли аҳоли сонининг йиллик ўсиши билан янги ташкил этилаётган иш ўринлари сони орасида катта фарқ бор эди. Бироқ, бюджет лойиҳасида марказлашган инвестициялар ва иқтисодиётга харажатлар кўзда тутилгану, аммо уларнинг қанчаси янги иш ўринларини яратиш ва меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан бандлик даражасини оширишга сарфланиши кўрсатилмаган. Бунга аниқлик киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу боис партия фракцияси 2006 йил бюджети **харажатлар бўлимининг иқтисодиётга сарфлар қисмида янги иш ўринлари ташкил этиш учун харажатларни** алоҳида ёзилишини, шу жумладан, қишлоқда янги иш ўринларини ташкил этиш учун харажатларнинг алоҳида режалаштирилишини таклиф этди.

Айни пайтда, бюджетдаги даромадлар баъзи манбаларининг мақсадли йўналтирилишига аниқлик киритилса тўғри бўлиши таъкидланди. Яъни:

Биринчидан, бунда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан бюджетга келаётган тушумлар назарда тутилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, ушбу маблағларнинг 30 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, аҳратманинг чораги эса қишлоқ жойларида муҳандислик ва ишлаб чиқариш объектларини ривожлантириш учун сарфланади.

Фракция вакиллари хусусийлаштиришдан келадиган тушумларни ҳудудларни ривожлантириш бўйича норматив тақсимотини 30 фоиздан 35 фоизгача кўпайтириб, қайта кўриб чиқишни таклиф этдилар. Бунда қўшимча йўналтирилган 5 фоиз маблағни, мақсадли равишда, янги иш ўринларини ташкил этиш ва меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан бандлик даражасини оширишни кўзда тутиш лозимлиги таъкидланди.

Иккинчидан, ана шу тартибни давлат тасарруфидаги унитар корхоналар ҳамда давлат акциялар пакетига эга бўлган акциядорлик жамиятлари ва компанияларидан олинадиган дивидендларга ҳам қўлланилса, мантиқан тўғри бўлар эди.

Яъни, бу маблағларнинг бир қисми давлат бюджети камомадини қоплаш учун йўналтирилганда, тегишли тушумларнинг камида 35 фоизини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжлари учун маҳаллий бюджетларга бериш маъқул.

Ўзбекистон ХДП фракцияси бу таклифларни киритар экан, 2006 йилги Давлат бюджети лойиҳасини маромига етказишда улар ҳисобга олинишига умид боғлайди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси жамият ҳаётида аёлларнинг нуфузини янада мустаҳкамлаш, юртимизда кечаётган демократик жараёнлардаги иштирокини кучайтириш мақсадида матбуот ва оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ижодкорлар ўртасида

«БАХТИМИЗ ҚОМУСИ»
номли кўрик-танловни эълон қилади.

Мазкур танловга Ўзбекистон хотин-қизларининг ҳаёти, сиёсий фаоллиги, орзу-интилишлари, ижодий зафарлари, ҳуқуқий тизимда самарали меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз ҳақидаги мақолалар, лавҳалар, фотокўргазмалар, кўрсатув ва радиоэшиттиришлар тақдим этилади.

Кўрик-танлов ғолиблари 2006 йил, 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида эълон қилинади ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри хотин-қизлар қўмиталари мазкур кўрик-танловни алоҳида ўз ҳудудларида ўтказадилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Тел./факс: (998-71) 139-40-42, 139-40-12, 135-74-67, 135-73-89.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси

ЯНГИ АВИАРЕЙС ОЧИЛДИ

Мамлакатимиз билан Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётир. «Фарғона-Москва-Фарғона» йўналиши бўйича самолёт қатнови йўлга қўйилгани ҳам шундан далолатдир.

Мазкур янги авиарейс «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг россиялик ҳамкорлар билан яқин алоқалари самарасидир. Парвоз ҳар ҳафтанинг якшанба куни амалга оширилади. Юз ўринли замонавий «Боинг-757» самолётида йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган.

— Биз ушбу қатновга катта ҳозирлик кўрдик, — дейди «Фарғона» аэропорти бошлиғи В.Тен. — Кўниш йўлакчалари кенгайтирилди, техник хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланди.

(ЎзА)

ЭЛ-ЮРТ МАНФААТИ — ОЛИЙ МАҚСАД

● Муносабат

Юртбошимизнинг халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида қўйилган вазифалар аҳоли ўртасида қизғин муҳокама қилинмоқда. Юртдошларимиз маърузада айни кўнгилдаги дардлар айтилганини ҳаяжонланиб гапиришмоқда.

Сирожиддин АЪЗАМОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши раиси:

— Мамлакатимиз раҳбари сессияда вилоятдаги камчилик ва муаммолар ҳамда уларнинг сабаблари, аҳолини қийнаётган муаммолар хусусан, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишдаги жиддий камчиликлар, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги нуқсонлар, ичимлик сувининг сифати тўғрисида куюниб гапирдилар.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Биз теварак-атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларга, камчилик-нуқсонларга жиддий эътибор беравермаймиз, ўз муносабатимизни очиқ ва дадил билдирмаймиз. Қани, нима бўларкин, деб жимгина кузатамиз, индамай кутамиз. Аслида кутиб туриш ҳам лоқайдлик. Аввало, шундан халос бўлмоғимиз зарур. Чунки, қачон юқори минбарлардан туриб айтилсагина, огоҳлантирилгандан сўнг сал жонланиб қоламиз. Бугунги замонда, ҳозирги шиддатли даврда «сен менга тегма, мен сенга тегмайман» деган кайфиятда яшаб, ишлаб бўлмайди, ахир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, муаммоларни бартараф этиш ва олдини олишнинг энг яхши чораси — жамоатчилик назоратини йўлга қўйишдир. Бу жараёнда сиёсий партияларнинг ўз ўрни бўлиши керак.

Ўзини мамлакатдаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти, деб эълон қилган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз электорати — аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш ва ифодалаш борасида қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Қилинган ишлар сессияда ҳам эътироф этилди.

Очиғи, мен сессияда сўзга чиқаман, муҳтарам Президентимиз билан мулоқотда бўламан, деб ҳеч кутмаган эдим. Мен ўз чиқишимда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳларининг фаолиятини жонлантириш, улар учун ўқув-семинарлар ташкил этиш, депутатларнинг муросасиз, талабчан бўлиши зарурлиги ҳақида гапирдим.

Биз халқимиз ишончига сазовор бўлиш учун сидқидилдан меҳнат қилиб, ҳаракатдан ҳеч ҳам тўхтамаслигимиз, эл ва юрт тақдири учун қайғуришимиз керак. Сессияда куюнчаклик билан айтилган сўзларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига, айниқса, ёшларга етказишимиз зарур.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ ёзиб олди

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензиялашган

O'ZBEKISTON XAVO YOLLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялашган

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензиялашган

Долзарб мавзу

Совуқ тушиб, қиш фасли эшик қоқаётган ҳозирги кунларда уйингизда газ бўлмай, оилангиз совуқда ўтирса ёки бир-икки кун иссиқ сув бўлмаса кайфиятингиз тушиб, қўлингиз ишга бормай қолади. Ўзингизча бу узилишнинг сабабини излай бошлайсиз. Ана шулардан биттаси — неча ойдан буён хизмат ҳақини тўламаганлиги ҳақида камдан-кам мижоз ўйласа керак.

Одамлар қайсидир маънода коммунал хизматлардан норизо бўлишади. Нархларнинг асоссиз ўсиши, хизмат кўрсатиш сифатининг пастлиги... Ўз навбатида хизмат кўрсатувчилар ҳам мавжуд камчиликларга аҳоли қарздорлигининг кундан-кунга ортиб бораётганини рўкач қилишади.

Республика Президентининг шу йил 11 февралда эълон қилинган «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳадаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган эди. Агар қарордаги кўрсатмаларга соҳа мутасаддилари, жамоатчилик жиддий эътибор қаратсалар коммунал хизматларда рақобат бозори шаклланиб, хусусий корхоналар бўй кўрсатиб қолишига умид қилса бўлади.

Қарорда ўрта ва паст босимли газ қувурларида табиий газ, тегишли коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан иссиқ сув ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолчиларга етказиб беришда исроф бўлишининг чекланган нормаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ҳам кўрсатилди. Бу ўринда мижозларнинг ўзига боғлиқ масала — йўлда исроф бўлган ёки кимдир ўғринча фойдаланган энергиянинг бир қисми тўлови зиммага тушиб қолмаслиги учун вақтида ҳисоблагичлар қўйиб олсалар бас.

Коммунал хизматдан фойдаланаётган аҳоли нима учун хизмат ҳақини вақтида тўламаяпти? Нега қарздорлик йил сайин ошаяпти? Мухбирларимиз бу саволга жавоб топиш учун бевосита хизмат кўрсатувчи ташкилотлар назоратчилари ва коммунал тўловларини ундиришга мутасаддилар иш жараёнида қатнашдилар.

КОММУНАЛ ХИЗМАТ:
ИСЛОҲОТЛАР, МУАММОЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР...

НАЗОРАТ НИЗОЛАРИ...

Шайхонтоҳур туман электр тармоқлари назоратчиси Абдуқаҳҳор Нурмуҳамедов ҳар куни раҳбариятдан берилган кунлик иш режасига кўра 60-70 хонадонни айланиб чиқади. Тўрт қаватли уйнинг юқори қаватига чиқиб-тушиш учун қанча вақт керак бўлади деган саволга ўйлаб ўтирмай, секин юрсангиз нари борса беш минут, деб жавоб бериш мумкин. Тўғриси, бир соатнинг нари-берисида битта кўп қаватли уйни айланиб чиқамиз, деб режалаштиргандик, лекин бу вақт битта йўлакнинг ўзига камлик қилди.

...Жанггоҳ маҳалласидаги хонадондан эшик қўнғироғига жавоб бўлмади. Кейинроқ ёш боланинг овози эшитилди.

— Уйда катталардан ҳеч ким йўқ. Ойим ишдалар.

— Қарзни тўлашдан қочишнинг энг осон усули, — изоҳ беради назоратчи.

Навбатдаги хонадондан бир аёл ижарада туришларини айтди.

— Электр тармоғиданмиз, ижарачи бўлсангиз ҳам эшикни очинг, — деди назоратчи.

У эса электр ҳақи олти ойдан буён тўланмаганини, токни узиб кетишмоқчи эканлигини эшитгач, квартира эгасига ҳар ойда 50 минг сўмни қуртдек санаб беришини айтди.

Навбатдаги хонадон эшигини уйқудан кўзлари қизарган йигит очди. Гарчи, ҳеч нарса демаган бўлса ҳам назоратчига ўқрайиб тикилишидан, нега ҳаловатимни буздинг, деган саволни уқиб олиш қийин эмас эди.

— Нариги йўлакдаги фалончи хонадонга боринг, — йигит бошқа ҳеч нарса демай эшикни қарс этиб ёпди. Айтилган хонадонда эса эшикни очишмади.

— Ўртача 30-40 фоиз мижозларимизда муддати ўтган қарзлар бўлади, — дейди Абдуқаҳҳор. — Уларнинг ҳаммаси ҳам етишмовчиликдан эмас, фойдаланган хизмат ҳақини вақтида тўлаб қўйишга эътиборсизлик оқибатида юзага келади.

Дарҳақиқат, битта йўлакни айланиб чиққанимиздан кейин ҳамроҳимизга — «Ипотека банки»нинг сайёр кассасига пул тўлаш учун учтўрт аёлнинг мурожаат қилаётганини кўрдик.

Ҳафсаласиз кишилардан пул ундиришнинг йўли осон экан — мана сайёр касса, пастга туш-да тўлаб қўй... Аммо, мижознинг хизмат ҳақини тўлашга қурби етмаслиги ҳақидаги арз-додини эшитишга тўғри келса-чи?

Шу мавзеда яшовчи Саида Аҳророва хонадонининг электр энергиясидан 22 минг сўм қарзи бор экан.

— Ҳозир декрет отпускасидаман, — дейди у. — Оила бюджетимиз турмуш ўртоғимнинг 60 минг сўм маоши ва болаларга оладиган 15 минг сўм нафақадан иборат. Ҳар ойда барча коммунал хизматлар ҳақини тўлашга имконимиз йўқ, навбати билан тўлаймиз, шунинг учун қарзимиз бор. Айниқса, иссиқ сув ҳақи қийнайди... Сув ҳисоблагич ўрнатганлар камроқ тўлаётган экан. Уни ўрнатиш учун 40 минг сўмни рўзғордан орттиролмаяпмиз...

Тошкент шаҳар коммунал хизматлар бошқармаси берган маълумотга кўра, айрим хизмат турларига аҳоли олдиндан пул тўлаб қўйган. Буни тушуниш қийин эмас. Тарифлари паст, арзон хизмат турлари ҳақини мижозлар бир неча ойга, ҳатто йилга тўлаб қўя қолади. Хусусан, «Тошгазтаъминот», «Махсустранс» корхоналаридан аҳолининг деярли қарзи йўқ. Энг кўп қарз эса «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш корхонасидан — шу йилнинг ўтган 6 ойи давомида кўрсатилган хизматлар ҳақининг 77 фоизи ундирилган. «Сувсоз» ишлаб чиқариш корхонасида бу кўрсаткич 91 фоизни ташкил этади.

— Икки йилдан буён иссиқ сув ҳақини тўлолмаяпмиз, қарзимиз 200 минг сўмдан ошди, — дейди Шайхонтоҳур туманида яшовчи Д. исмли аёл. — Совуқ сувдан 50 минг, уй ҳақидан 58 минг сўм қарзимиз бор. Ўтган йил қурбимиз етмаслигини ҳисобга олиб, ширкат 100 минг сўм қарзимиздан кечганди. Иссиқ сувдан икки марта судга беришди. Аммо нима қилайлик, тўлашга имконимиз бўлмаса. Оилада битта мен муқим иш ўрнига эгаман. Қани энди ишлагани иш бўлса, кимнинг қарздор бўлгиси келади?!

ИШ СУДГАЧА БОРИБ ЕТСА...

...Таъминотчи корхона назоратчиларининг қайта-қайта ташрифларидан кейин ҳам фойдаланилган хизмат ҳақини тўламасангиз, кунлардан бир куни қўлида суднинг ҳал қилув қарори билан эшигингизни суд ижрочиси тақиллатади...

— Шу йилнинг олти ойи мобайнида коммунал хизматлар бўйича 487 миллион сўм қарзни ундириш ҳақида 5600 ижро ҳужжати келиб тушди, — дейди Шайхонтоҳур туман суд ижрочилари бўлими катта суд ижрочиси Азим Норов. — Бу жами ишларнинг қарийб ярмини ташкил этади.

Кўпинча қарздорлар ойлик иш ҳақларининг камлиги ёки иш йўқлиги, коммунал хизмат тарифларининг юқорилигидан зорланишади. Ижрочи нима қилсин? Бу масалани ҳал этиш ваколатига кирмаслигини, улар фақат суд қарорини қонун асосида бажаришлари лозимлигини ва фуқаролар ҳам бунга мажбур эканликларини тушунтиришади.

Суд ижрочисининг айтишича, кўпинча жавобгарлар берилган муддат беш кун ичида қарзларини тўлайдилар. Тўлов қобилияти бор истеъмолчилар билан шундай ҳолатлар юз беради. Ижро мол-мулкка қаратилган тақдирда хатланган мулк сотилиб, маблағ ундирувчи ташкилотга ўтказиб берилади.

— Аммо қарздорнинг қийматга эга мулки ҳам бўлмаса-чи? — сўраймиз А.Норовдан.

— Бундай ҳолда қарздорнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади. Қонун иш ҳақининг 50 фоизгача қисмини қарзни тўлашга йўналтиришга йўл қўяди.

— Қарздорнинг иш жойи бўлмасачи?

— Йил давомида 28 та шундай ҳолатга дуч келдик, — дейди суҳбатдошимиз. — Кам таъминланган оилалардан 6 миллион 387 минг 139 сўм ундириш ҳақидаги қарор ундирувчига қайтарилди ва уларга 3 йил мобайнида суд қарори ўз кучида қолиши, жавобгарнинг моддий аҳволи яхшиланиши билан қарзни ундириш мумкинлиги тушунтирилди.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ҲИМОЯЛАНАДИ

Қарзларнинг ошиб боришига фақатгина мижозларнинг эътиборсизлиги ёки тўлов қобилияти пастлиги эмас. Баъзан хизмат сифатининг ёмонлиги ва ана шу ҳолатда мижоз ўз манфаатларини ҳимоя қилиш йўлларини билмаслиги, аниқроғи ҳуқуқий саводининг пастлиги ҳам сабаб бўлаяпти.

Айтайлик, ҳақини вақтида тўлашингизга қарамай иссиқ сув таъминотида мунтазам узилишлар бўлди, ҳатто бир ҳафта давомида иссиқ сувсиз қолдингиз. Энди қўл силтайсиз, жаҳл қилиб сиз ҳам иссиқ сув ҳақини тўлашни пайсалга соласиз.

— Бу нотўғри, — дейди Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва реклама бозорини тартибга солиш бўлими бошлиғи У.Ҳакимов. — Хизмат сифатининг ёмонлиги, узилишлар ҳақида таъминотчи корхона, ширкат, уй домкоми иштирокида уч томонлама далолатнома тузилиши лозим ва шу асосда хизмат ҳақи қайта ҳисобланади.

Сирғали туман 2-мавзе, 1-уй, 30-хонадонда яшовчи О.Кошмина иссиқ сув таъминоти «Тошиссиққуввати» ИЧБ томонидан асоссиз равишда узиб қўйилгани ҳақида ариза билан мурожаат қилди. Бошқарма ходимлари шикоятни ўрганиш давомида ушбу уйдаги кўплаб хонадонлар хизмат ҳақини ўз вақтида тўлашларига қарамасдан, иссиқ сув таъминоти узиб қўйилганлигини аниқлаб, мижозларнинг 332 минг 214 сўм ҳақи қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди, иссиқ сув таъминоти изга тушди.

Шу тумандаги 6-мавзе, 18-уйда яшовчи истеъмолчиларга ҳам 920 минг 564 сўм маблағ қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

Соддароқ қилиб айтсак, агар ўша истеъмолчилар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилмаса, «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси қарз баҳона иссиқ сув узиб қўйилган ҳолда «айбсиз айбдорлар»дан кўрсатилмаган хизматлар учун салкам 1 миллион сўмни ундириши мумкин эди. Умуман, йил бошидан бери бошқарма томонидан кўрсатилмаган хизматлар учун истеъмолчиларга салкам 19 миллион сўм маблағ ундириб берилди.

МУАММОНИНГ ҚОНУНИЙ ЕЧИМИ

Президентимизнинг биз юқорида тилга олган қарорида, аҳоли зиммасига ҳам коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаш масъулияти юкланиб, газ ва сув тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олган, электр энергияси, табиий газ, совуқ ва иссиқ сув, иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказган, шунингдек ҳисоблагичларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашишга йўл қўйган қоидабузувчилар қонунчиликка мувофиқ то жиноий жавобгарликкача тортилиши кўрсатилган эди.

Ҳозир депутатларимиз уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасида бош қотиришяпти. Ушбу жараённинг муҳимлиги шу даражадаки, Сенат Қонунчилик палатаси депутатлари 2005 йил 14 июнда қабул қилган «Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунни рад этди. Сенат таклифига кўра, келишув комиссияси тузилди. Яқинда Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида келишув комиссияси таклиф этган ўзгартиришлар билан қонун иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Маълумки, ЎзХДП фракцияси аввал бошдан бу масалага ўз электоратининг манфаатларидан келиб чиқиб ёндашиб келмоқда. Муҳокамаларда ўзининг энг кўп таклиф ва таҳлиллари билан иштирок этган депутатимиз Алия Юнусова шундай дейди:

— Коммунал хизматларнинг энг батартиб тўловчилари кимлар эканлигини биласизми? Пенсионер ва ногиронлар! Уларнинг яшаш тарзи унчалик кўп сарф-харажат талаб қилмаслиги ҳаммага маълум. Қарзи кўп фуқаролар аксарият ҳолларда катта-катта ҳовлиларда яшайдиган ўзига тўқ кишилар. Бундай уйларни иситиш учун озмунча газ кетадими? Ёки замонавий ускуналар — компьютер, турли электр жиҳозлари кўп хонадонда электр энергияси ҳам кўп кетади. Шундай кишиларни тўловга қурби етмайди деб бўладими? Айнан ўшалар ҳисоблагичлар кўрсаткичини камайтиришга ҳаракат қилади...

Қабул этилажак қонунда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга электр, иссиқлик энергияси ёки газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш энг кам иш ҳақининг икки бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиш, маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилиб, Жиноят кодексига энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача жарима ёки бир йил ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш, ўша қилмишлар кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача жарима ёки уч йилга ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазолаш тўғрисида қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш кутиляпти.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Куни кеча бўлиб ўтган Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида мамлакатимиз раҳбари коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги муаммолар ва камчиликларга алоҳида тўхталиб, куюниб гапирдилар: **«Вилоятда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги жиддий нуқсон ва камчиликлар аҳолида ҳақли эътироз уйғотмоқда. Бунинг асосий сабаби — маҳаллий ҳокимликлар томонидан тегишли хизмат кўрсатиш ташкилотларига, уй-жой мулкдорлари ширкатларига расмиятчилик билан қараш ҳолатлари давом этаётгани, ҳисоб-китоб ишлари тўғри йўлга қўйилмагани, маҳаллалар билан ҳамкорликда иш олиб борилмаётгани билан боғлиқ...»**

Президентимизнинг ушбу ҳақли эътирозларидан ҳам кўриниб турибдики, бу борада ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳамон оз эмас. Камчиликларни бартараф этиш эса фақат соҳа мутахассисларининг вазифаси бўлиб қолмасдан бу борада кенг жамоатчилик фаоллигини ошириш зарур. Ушанда таъминотчи, истеъмолчи ўртасидаги муносабатларда холислик, одиллик юзага келади, муаммолар ҳал этилади. Мулоҳазалар ақл тарозисида ўлчанади. Ислоҳотлар йўлидаги сунъий тўсиқлар бартараф этилади.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ,
Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози»
махсус мухбирлари

ЎзХДП:
ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Ғаллаорол туманидаги ХДП бошланғич ташкилотлари ўз фаолиятларини амалий ишларга қаратиш, партия V қурултойи, Марказий Кенгаш III пленуми қарорлари моҳиятини жойларда тушунтиришга йўналтирмоқдалар. Жумладан, Кўкбулоқ ширкат хўжалиги ва Т.Худоёров номидаги агрохизмат маркази бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишлари ҳам бевосита шу масалаларга қаратилди.

Чимбой туман кенгаши «ХДП тузилмалари ислоҳоти — давр талаби» мавзуида қатор ҳудудий партия ташкилотларида семинарлар ўтказди.

Фориш туман кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда «Партия жамиятда аёлларнинг мавқеини изчил ошириш тарафдори» мавзуида «давра суҳбати» ҳамда бошланғич партия ташкилотлари раислари иштирокида ўқув-семинар ташкил қилинди. Анжуман партия аъзолари ҳисобини юритиш, қайта рўйхатдан ўтказишни ташкил қилиш ва партия билетларини алмаштиришга тайёргарлик масалаларига бағишланди.

Хонқа туман кенгаши Хоразм вилоятининг санаторий типидаги мактаб-интернатида учрашув ташкил қилди. Туман кенгаши раиси Ў.Собиров иштирокчиларга партиянинг Дастурий мақсадлари ҳақида гапириб берди. Ижтимоий йўналишда олиб борилаётган ишлар ва унда ХДПнинг иштироки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракциясининг фаолиятига тўхталиб, йиғилганларнинг саволларига жавоб берди.

Қосон туман кенгаши ҳамда «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари туман бўлимлари ва «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши ҳамкорлигида партия фаоллари ва фахрийларнинг учрашуви ўтказилди. Унда Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадлари ва партиянинг бошқа жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги ҳақида сўз юритилди. Тадбир сўнгида ЎзХДПга азоликка қабул қилинганларга партия билетлари топширилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

«СЕВАРА-БОНУ» ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Мустақиллик йилларида кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш мақсадида тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратиб берилди. Бунинг натижасида жуда кўплаб хусусий фирмалар ташкил топди. Тадбиркорлар манфаатини кўзлаб қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Улар бугун мамлакат иқтисоди ва экспорт салоҳиятини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

ЎзХДП фаол аъзоларидан бири Собира Эшонқулова 1998 йилда пойтахтимизнинг Сирғали туманида «Севара-бону» хусусий фирмасини ташкил этди. У аҳолига тиббий ва маиший хизмат кўрсатишга ахд қилди. Фирма қошида қисқа фурсат ичида 3 та гўзаллик салони ва мини поликлиника фаолият кўрсата бошлади.

— Бугун мамлакатимизда тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё, — дейди Собира Эшонқулова. — Гап фақат астойдил, тер тўкиб меҳнат қилишда қолди. Яқинда Президентимизнинг **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони қабул қилиниши билан биз учун имконият эшиклари янада кенг очилди.

Бу аёлнинг саъй-ҳаракати билан 23 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Унинг мақсади яқинда туманда савдо мажмуаси очиб, аҳолига хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришдир.

Маъмуржон МАҲМУД

Суратда: Собира Эшонқулова ходимлар билан суҳбатлашмоқда.

Эътироф

ЛЬЕЖДАН МАКТУБ

Бельгиянинг Льеж шаҳрида жойлашган Замонавий тиллар институтининг ўқитувчи ва талабаларидан иборат гуруҳ яқинда Самарқандда бўлиб қайтди. 2005 йил январида мазкур икки шаҳар ўртасида Шериклик ва дўстлик тўғрисидаги Битим имзоланган эди. Бельгиялик меҳмонлар мамлакатимизда халқимизнинг бой маданияти, анъана ва урф-одатлари билан танишиш, шаҳардаги бетакрор меъморий ёдгорликларни кўздан кечириш баробарида тил ўрганиш курсларида малака оширдилар. Улар Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонасига йўллаган қуйидаги мактубда мазкур ташриф давомида орттирган таассуротлар ўз ифодасини топган.

«Ўқитувчимиз Мария Малик хонимдан Алишер Навоий номидаги Самарқанд университети ректори бизни Ўзбекистонга таклиф этгани ҳақидаги хабарни эшитиб, мамлакатингизга бўлажак сафарни, у ердаги кўҳна меъморий ганжиналарни тасаввур қилиб ҳаяжонга тушдик. Биз ўзимиз учун Буюк ипак йўлини кашф этиш мақсади билан йўлга отланганлик, юртимизга эса мамлакатингиз халқининг улуғворлигидан ҳайратга тушган ҳолда қайтдик.

Бизга маълум қилишганидек, Ўзбекистонда 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Уларнинг ҳаммаси — ўзбеклар, тожик, қозоқ, рус ва бошқалар бирдек очиқ чеҳра, сахий ва меҳмондўст. Учрашув давомида улар сиз ҳақингизда кўпроқ билишни истайди, сизга азиз меҳмон сифатида қарайди. Ўзбекистон аҳолисининг аксарияти ислом динига эътиқод қилади, бошқа дин вакиллари билан ўзаро аҳиллиқда яшаб келади. Ғарб мамлакатларида аста-секин унутилиб борилаётган бағрикенглик тушунчасига келсак, биз бу борада ўзимиз учун яхши сабоқ олдик.

Биз Ўзбекистонда Самарқанд, Ургут, Шаҳрисабз, сўнгра Хива ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилдик. Бу юртда ўзимизни бегонадек ҳис қилмадик. Ўзбекистонда онгимиз ҳамда шууримизга муҳрланиб қолган бой ва бетакрор тассуротлар унутилмасдир».

«Жаҳон» АА

Биласизми?

МИЛЛИОНИНЧИ АБОНЕНТ

Пойтахтимиздаги «Le Grande Plaza» меҳмонхонасида Ўзбекистондаги уяли алоқанинг бир миллионинчи абонент рўйхатга олиниши муносабати билан маросим бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, мамлакатимиз бозорида фаолият кўрсатаётган барча уяли алоқа компаниялари: «Uzdunrobita», «Unitel», «Coscom», «Perfeoctum Mobile», «Bustel», «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Uzbektelekom Mobile» филиали томонидан ташкил этилди.

Айтиш жоизки, уяли алоқа мамлакатимиз мустақиллигининг тенгдошидир. 1991 йил августида ҳукуматимиз мададида Алоқа вазирлигининг ташаббуси ва муассислигида уяли алоқа хизмати кўрсатувчи Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси — «Ўздунробита» компанияси тузилган эди. Бу наинки Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёдаги биринчи уяли алоқа корхонаси бўлганди.

1994 йил 1 январида мамлакатимизда уяли алоқа бўйича бор-йўғи 224 абонент бўлганлигига ҳозир ишониш қийин. 1995 йил мобайнида эса унинг сони 823 абонентга ўсди.

1995 йил ноябрида «Ўздунробита» ҚК абонентларига хизмат кўрсатиш AMPS/DAMPS мукаммал стандартига ўтилгач, алоқа сифати анчагина яхшиланди. Натижада мижозлар сони ўсиб, 1996 йил бошида 3804 тани ташкил этди. Яна бир гап: ўша йил давомида уяли алоқа бозорида бир йўла бешта янги оператор ҳам пайдо бўлди. Улар 1997 йилдан бошлаб ўз уяли тармоқларидан тижорий фойдаланишга киришди. Бу абонентлар сони ошишига дарҳол таъсир этди. Чунончи, 1998 йил 1 январида уяли алоқадан фойдаланувчилар сони 21555 кишига етди. Йиллик ўсиш — 225 фоиз! Боз устига хизмат кўрсатиш тарифлари ҳам бир неча мартага камайтирилди. 2000 йил охирига келиб, абонентлар сони юз мингдан ошди.

1997 йилда Digital AMPS (IS-1136) ва GSM сингари уяли алоқа стандартларидан фойдаланилганди. 2001 йилда сентябрида эса яна бир стандарт — CDMAдан ҳам фойдаланишга ўтилди.

Жорий йилнинг 1 октябрида мамлакатимиз бўйлаб уяли алоқа абонентлари умумий сонининг (917806) салкам 51 фоизи (468474) вилоятларга тўғри келди. Ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида абонентлар сони 1 миллиондан ошди.

Алишер РЎЗИЕВ

Ҳуқуқий билим

БАНКРОТЛИК

БУ БЕРИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИШ ВА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН МУҲИМ ҚАДАМ ЭКАНЛИГИНИ БИЛАМИЗМИ?

Маълумки, корхоналарни иқтисодий бақувват бўлиши омиллари акциядорларни қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкчилик шаклига нисбатан ижобий қарашни ўз ичига олади. Бунинг натижасида эса мулкдорларда ташаббускорлик туйғуси ўз-ўзидан кучая боришини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Табиийки, бозор иқтисодиёти шароитида мулкдорлар томонидан олиб борилаётган бундай ҳаракатлар ҳар доим ҳам кўзланган натижаларни бермаслиги мумкин. Чунки, мулкдор бирор-бир фаолият тури билан шуғулланар экан, албатта, у ҳар бир қиладиган ишини олдиндан пухта ўйлаб кўриши, иқтисодиётда бўлаётган муҳим ўзгаришларни, тадбиркорлик билан боғлиқ қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиши, ҳамкорларни танлашда адашмаслиги, қолаверса, шартномавий муносабатларда иштирок этганда, ўзига юклатилган мажбуриятларга тўлиқ риоя этилишига қатъий амал қилиши лозим бўлади. Акс ҳолда, у кўзланган фойдани ололмасдан қолиши ёки молиявий зарар кўриши, ҳаттоки, банкротлик ҳолатига тушиб қолиши мумкин.

Банкротликни жорий этиш ва унинг таомилларидан тўғри фойдаланиш учун хўжалик субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатларни яхши йўлга қўйиш, томонларнинг ўзаро тўлов интизомига қатъий риоя қилиш талаб этилади. Шунингдек йиғилиб қолган кредитор ва дебиторлик қарзларни ундириш, ишлаб чиқаришни нормаллаштириш, фаол бўлиш каби муҳим масалалардан чалғимаслик зарур.

Соҳадаги яна бир муҳим маънуни ҳамда банкротлик масаласи билан боғлиқ бўлган бир қанча қонунлар талабидан келиб чиқиш зарур бўлади.

Олиб борилаётган ишлар таҳлилига тўхталадиган бўлсак, Наманган вилоят хўжалик судига иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган корхоналарга нисбатан банкротлик таомилларини қўллашга оид ўтган йилнинг 9 ойи давомида 39 та, жорий йилнинг шу даврида эса 74 та ариза келиб тушди. Кўриниб турибдики, уларнинг сони деярли икки баробарга ошган. 2004 йилнинг шу даврида умумий қарзи 2651,7 миллион сўмни ташкил этган 39 та корхона, жорий йилнинг 9 ойида эса, қарзи 15687,7 миллион сўмни ташкил этган 74 та истиқболсиз корхоналар банкрот деб топилган. Шу йилнинг 9 ойи давомида банкрот деб топилган корхоналарнинг 31 таси ёки 42 фоизи тугатилиб, давлат реестридан чиқарилди. Кредиторларнинг 91 миллион сўмлик қарзлари қопланди.

Ўтган йилнинг 9 ойи давомида 5 та, жорий йилда эса 6 та иқтисодий ночор корхонага нисбатан ташқи бошқарув тайинланди. 2004 ва 2005 йилларнинг 9 ойи давомида биттадан корхонага нисбатан суд санацияси татбиқ этилди.

Бу борада яна мисоллар келтириш мумкин. Масалан, вилоят хўжалик суди томонидан «Карбонам» акциядорлик жамияти, «Аснам-Текстиль» МЧЖ шаклидаги қўшма корхона ва «Электротерм» акциядорлик жамиятига нисбатан ташқи бошқарув таомили жорий этилди. Наманган шаҳридаги «Махсус қурилиш-йиғиш ва таъмирлаш» масъулияти чекланган жамияти ва Чортоқ туманидаги «Короскон ХХМКТ» корхоналари эса банкрот деб топилди.

Хўжалик суди томонидан жорий йилнинг 31 октябрь куни банкрот деб топилган «Наманганқурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли кўп тармоқли ишлаб чиқариш бошқармасига нисбатан 2 ой муддатда тугатиш жорий этилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, ушбу тоифадаги ишларни суд томонидан кўриб чиқишда корхонани банкротликка олиб келишда айбдор бўлганларга нисбатан 1 та жиноий иш қўзғатилди. Натижада 5 нафар мансабдор шахсдан маъмурий чора сифатида жарима ундирилди. Айбдорга нисбатан 2 та интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли идораларга тақдимномалар киритилиб, хусусий ажримлар чиқарилди.

Бундай тоифадаги ишларни жойларда сайёр суд мажлисларида кўриш ва унда томонларнинг тўлиқ иштирок этишига шарт-шароит яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шаҳар ва туманларда белгиланган жадвал асосида ҳокимликлар, прокуратура, адлия, солиқ ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда мулкдорлар билан учрашув ва семинарлар ташкил этилаётгани, вилоят оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланилаётгани соҳадаги муаммоларни бартараф этишда муҳим роль ўйнамоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мулк эгаларининг банкротлик қонунчилиги борасидаги билимларини мунтазам ошириб бориши, соҳага давлат томонидан кўрсатилаётган имконият ва қулайликлардан тўлиқ фойдалана олиш, бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонуниятларини чуқур ўрганиш ҳамда шартномавий интизомга қатъий риоя этишлари банкротлик соҳасидаги ишларни амалга оширишда муҳим омил ҳисобланади. Чунки банкротлик — бу соҳага берилаётган имкониятлардан тўлиқ фойдалана билиш, қолаверса, иқтисодий бақувватлашиб бориш сари қўйилаётган муҳим қадам эканлигини унутмаслик лозим.

Ҳасан СОБИРОВ,
Наманган вилоят хўжалик суди раиси

ТЕЛЕФОН КОДЛАРИ ЎЗГАРТИРИЛАДИ

«Ростелеком» очиқ акциядорлик жамияти маълум қилишича, шу йил 1 декабрдан эътиборан Россия шаҳарларининг халқаро телефон кодлари ўзгартирилади, яъни «0» билан бошланувчи кодлар «4»га алмаштирилади. Масалан, Москва шаҳрининг халқаро телефон коди 1 декабрдан «095» ўрнига «495» бўлади.

Бундай ўзгаришлар Россия Федерациясининг 18 та ҳудудида — Белгород, Брянск, Владимир, Воронеж, Иванов, Калининград, Калуга, Кострома, Курск, Липецк, Москва, Орлов, Рязан, Смоленск, Тамбов, Тула ва Ярославл вилоятларида ҳам амалга оширилади.

«Интерфакс» ахборот агентлиги берган хабарга кўра, абонентлар янги кодларга кўниккунча қулайлик яратиш мақсадида шу йил 1 декабрдан келгуси йил 31 январгача ҳам янги, ҳам эски кодлар амалда бўлади.

ДЕКРЕТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Франция ҳукумати 27 октябрдан бери мамлакатда давом этаётган тартибсизликларга чек қўйиш учун қатъий чора-тадбирлар қўллашга киришди.

Маълумки, Францияда «Фавқулодда ҳолат тўғрисида»ги қонун 1955 йил 3 апрелда қабул қилинган. Ўшанда Франциянинг собиқ мустамлакаси бўлмиш Жазоирдаги қўзғолонни бостириш учун мазкур қонунни қабул қилишга мажбур бўлишган эди. Ўшандан бери ушбу қонун икки бор, яъни 1955 йили Жазоирдаги, 1984 йили Янги Каледониядаги тартибсизликларни бостириш учун кучга киритилган. Мана энди учинчи бор амалда қўллашга тўғри келмоқда.

Қонунни кучга киритиш учун ҳар гал алоҳида декрет қабул қилинади. Худди шундай ҳужжат куни кеча Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқилди ва қўллаб-қувватланди. Мамлакат ички ишлар вазири Никола Саркозининг айтишича, ушбу ҳужжатга асосан тартибсизликлар юз бераётган шаҳарларда 12 кунга фавқулодда ҳолат ёки комендантлик соати жорий этилди. 12 кунлик муддатни узайтириш учун эса яна янги декрет қабул қилиниши лозим.

Энди Франция шаҳарларида юз бераётган аҳвол ҳақида тўхталадиган бўлсак, аввало шуни таъкидлаш лозимки, тартибсизликлар тўхтагани йўқ. АР ахборот агентлигининг маълум қилишича, бу тўс-тўполон 300 га яқин шаҳарни қамраб олган. Душанбага ўтар кечаси 1400 та автомашина кўчаларда ёқиб юборилган бўлса, сешанбага ўтар кечаси 814 та, чоршанбага ўтар кечаси эса 558 та автомобилга ўт қўйилган. Кунига юзлаб безорилар полиция томонидан қўлга олинмоқда. Ҳозир уларнинг сони 600 тадан ортиб кетди.

Франция бош вазири Доминик де Вильпен тартибсизликлар кучайган ҳудудларга яна қўшимча 1,5 минг полициячи ташланганлигини айтди. Шундай қилиб тартибни сақловчилар сони 9500 кишига етди.

Эслатиб ўтамиз: 27 октябрь куни икки ўсмир полициядан яшириниш учун трансформатор қутисига кириб олган ва уларни ток уриб ўлдирган эди. Шу воқеа боис кўчаларда тартибсизликлар бошланиб кетди, полиция билан тўқнашувлар юзага келди. Бунинг тўлқини Бельгия ва Германияда ҳам акс этди, яъни у ерларда ҳам ўсмирлар автомашиналарга ўт қўйишган.

Ислоҳот чорраҳаларида

МАРҲАБО ОПАНИНГ ОРЗУЛАРИ

Мустақиллик йилларида кўплаб юртдошларимиз тадбиркорлик йўлини тутдилар. Уларнинг ҳаракатлари билан янги ишчи ўринлари яратилиб, эл-юртга наф беряпти. Ишлаб чиқариш салмоғи ортяпти.

Қўрғонтепа тумани ижтимоий таъминот бўлими мудири, ЎзХДП аъзоси, Марҳабохон Тожибоева ҳам оила аъзолари ва маҳалладошлари билан маслаҳатлашиб, «Баҳром ота» фермер хўжалигининг ташкил қилинишида ташаббускор бўлганлардан бири. Турмуш ўртоғи Маҳаммадкарим ака билан дастлаб 9 гектар ер олишди. У ерда чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантиришни режалаштирдилар. Аввалига хонадон этагидаги иморатни парранда боқишга мослаштиришди. Уларга қўшниси Абдуғофур Акбаров билан бирга махсус темир тўр қутилар жойлаштирдилар...

Хўжалик 2001 йилда 200 та жўжа билан иш бошлаган бўлса, 2005 йил бошига келиб, уларнинг сони мингтага етди. Қарабсизки, жуда катта бўлмаса-да, чоғроқ паррандачилик фермаси пайдо бўлди. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида 100 минг 800 дона тухум етиштирилди. Пулга чақсак — 10 миллион сўмдан ошади. Ҳудуддаги мактаблар ошхоналарига арзон баҳода тухум етказиб берила бошланди.

Хўжаликда ўн бош қорамол, 20 дан зиёд қўй ҳам боқиляпти. Шунингдек, бу йил 4 гектар ерда буғдой етиштирилди. 5 гектар пахтазорнинг ҳосили ҳам баракали бўлди. Ва яна бир янгилик: Марҳабохон ташаббуси билан яқинда улар қирқ уя асалари боқишням бошлаб юборишди. Боз устига, Қувадан 300 туп арча ниҳоллари келтириб, ўстиришга киришдилар.

Хўжалик даромади эвазига қад ростлаган мўъжаз шифо масканида тажрибали шифокор Шермуҳаммад Йўлдошев ва 3 нафар тиббий ходим аҳоли хизматида. Бу ерда кундуз кунлари бир йўла 8 киши ётиб, муолажа олишлари, соғлиқларини тиклашлари учун барча шароитлар муҳайё. Япония, Корея ва Россиядан келтирилган замонавий тиббий аппаратлар ёрдамида шифобахш сув ванналари, шам қўйиб даволаш, ҳордиқ олиш хоналари ишлаб турибди. Тадбиркорлар топган маблағдан «Савай» ширкат хўжалигидаги 25-мактабгача таълим муассасасини таъмирлашга ҳам салкам 500 минг сўм ажратилди.

— Келажакда замонавий пансионат барпо этиш орзуимиз бор, — дейди Марҳабохон...

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЯНГИ КОРХОНА

Қўқон шаҳрида пиллани пишириш ва ундан тола ажратиб олишга ихтисослашган «Кок Азия» корхонаси иш бошлади.

Корхона раҳбари Эргашали Жабборовнинг айтишича, салкам уч юз миллион сўмга тенг бўлган Низом жамғармасининг 90 фоизи «Қўқон пойабзали» очиқ турдаги акциядорлик жамияти томонидан киритилган. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхона цехларида айни пайтда пилла чувиш ишлари қизғин бормоқда.

Корхонада 40 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди. Тез орада «Кок Азия»да ишчилар сонини 200 кишига етказиш мўлжалланмоқда. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, йилига 30 тонна пиллани қайта ишлаш имконияти юзага келади.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2005 йилнинг 13,16,20,23,27,30 декабрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уйда жойлашган Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига қарашли 2001 йилда и/ч, д/р 10AR 464 бўлган «Нексия».
Бошланғич нархи — 2 581 459 сўм.

Мирзо Улуғбек тумани, Муҳитдинов кўчаси, 26-уйда жойлашган Тошкент шаҳар Адлия бошқармасига қарашли 1978 йилда и/ч, д/р 10 AN 394 бўлган «Чайка» ГАЗ-1401.
Бошланғич нархи — 6 505 700 сўм.

Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 323-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Савдо бошқармаси автокорхонасига қарашли 1990 йилда и/ч, д/р 33-04 ТШ бўлган «КамАЗ-54112».
Бошланғич нархи — 1 700 000 сўм.

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 108-уйда жойлашган Тошкент Ахборот технологиялари университетига қарашли:

1986 йилда и/ч, д/р 10 AQ 883 бўлган «КАВЗ-685».
Бошланғич нархи — 1 407 600 сўм.

1988 йилда и/ч, д/р 10 AQ 884 бўлган «ГАЗ-5205».
Бошланғич нархи — 637 200 сўм.

1983 йилда и/ч, д/р 10 AE 194 бўлган «Москвич» М-2137.
Бошланғич нархи — 376 800 сўм.

1986 йилда и/ч, д/р 10 AS 255 бўлган «ГАЗ-2410».
Бошланғич нархи — 672 000 сўм.

1981 йилда и/ч, д/р 10 AC 823 бўлган «УАЗ-452».
Бошланғич нархи — 648 000 сўм.

1992 йилда и/ч, д/р 10 AQ 886 бўлган «РАФ-220301».
Бошланғич нархи — 1 271 600 сўм.

1985 йилда и/ч, д/р 10 AX 446 бўлган «УАЗ-3151201».
Бошланғич нархи — 1 050 840 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автотранспорт воситаларининг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри. Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

Гувоҳнома №000815

КЕЛИШИБ ОЛДИЛАР

Хитой ва АҚШ маъмурияти Хитой тўқимачилик маҳсулотларининг АҚШ бозорига экспортини қисқартириш масаласида ўзаро келишиб олдилар. АҚШ вакили Боб Портманнинг айтишича, келишув 30 дан ортиқ тўқимачилик маҳсулотлари экспортини қисқартиришни назарда тутади.

Bloomberg ахборот агентлигининг маълум қилишича, кейинги 9 ой давомида Хитой тўқимачилик маҳсулотларининг АҚШ ва Европа Иттифоқига экспорти 2004 йил шу даврига нисбатан 60 фоизга ўсган, ҳатто айрим турлар бўйича минг фоизгача етган. Бу кўтарилишнинг сабаби нимада?

Боиси шуки, Жаҳон савдо ташкилоти томонидан тўқимачилик маҳсулотлари экспортига жорий этилган квота шу йил бошида бекор қилинган. Шунинг учун АҚШ ва Европа Иттифоқи бозорлари Хитойнинг арзон маҳсулотларига тўлиб-тошиб кетди. Бу эса АҚШ ва ЕИнинг ишлаб чиқариш қувватларига салбий таъсир этди. Мана энди улар яна қисқартиришга мажбур бўлмоқдалар.

Аслида АҚШ шу йил майдаёқ Хитойнинг тўқимачилик маҳсулотлари учун бир томонлама квота жорий этган эди. Эндиликда бу квота Хитой маъмурияти билан расмий келишиб олинди. Бунга эришиш учун АҚШ ва ЕИ уч ой мобайнида музокаралар олиб борди. Унинг ҳосиласи ўлароқ 2006 йил январдан бошлаб экспорт қисқартирилади.

НОМЗОДЛАР РАД ЭТИЛДИ

Исроил парламенти мамлакат бош вазири Ариэл Шарон томонидан илгари сурилган уч нафар номзодни кўпчилик овоз билан (60 та овоздан 54 таси қарши) рад этди.

Гап шундаки, Ариэл Шарон Вазирлар Маҳкамасида ўз тарафдорларини кўпайтириш учун учта вазирликка — молия, саноат ва савдо ҳамда муҳожирлик масалалари бўйича шуғулланувчи вазирликлар раҳбарлигига ўз номзодларини илгари сурган эди.

Худди шундай ҳолат Қирғизистонда ҳам қайд этилди. Мамлакат президенти Курманбек Бакиев томонидан Бош вазирнинг биринчи ўринбосарлигига тавсия этилган Дониёр Усеновнинг номзодини парламент рад этди.

42 депутат унинг номзодига қарши овоз берган бўлса, 17 депутат ёқлаган.

Маълумки, мамлакат ҳукумати таркиби сентябрдаёқ парламент тасдиғидан ўтган. Усеновнинг номзоди ўшанда президент томонидан биринчи бор тавсия этилган эди, аммо парламент бу масалани кўриб чиқаётган пайтда Бакиевнинг ўзи бирдан унинг номзодини қайтиб олган. Ўшандан бери Бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозими вакантлигича турибди. Лекин бу вазифани Усенов вақтинча бажариб келмоқда.

У Бакиевнинг «рангли инқилоб»даги энг яқин ҳамкори, дейилади «Новости» ахборот агентлиги хабарида.

Қирғизистон парламенти аввал ҳам Бакиевнинг яна бир тарафдори — Роза Отунбаева номзодини рад этган. У «рангли инқилобни амалга оширишда локомотив»лардан бири бўлган. Бакиев унинг номзодини ташқи ишлар вазири лавозимига тавсия этган эди.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Перунинг собиқ президенти Альберто Фухимори ҳозир Чилида. У якшанба куни Японияндан Сантьягога шахсий самолётда учиб келгач, Перу ҳукумати илтимосига кўра, душанба куни қамоққа олинган. Ордер Чили Олий суди томонидан берилган. Лекин собиқ президент ҳали Перу ҳукумати қўлига топширилмайди. Чили қонунчилигига кўра, мамлакат Олий суди бу борада қарор чиқариши керак. Негаки, 1932 йили Чили ва Перу ўртасида имзоланган жиноятчиларни қўлга олиш тўғрисидаги шартномага кўра, шундай қилиниши шарт. Бу ҳақда Чили ташқи ишлар вазири Игнасио Уолкер баёнот берди.

Чили қонунчилигига мувофиқ собиқ президентни Перуга топшириш 60 кун ичида ҳал этилиши лозим.

«Андина» ахборот агентлиги берган манбаларга қараганда, Перу бош прокурори бошчилигидаги делегация ҳозир Чилида. Улар Фухиморини олиб кетиш бўйича музокаралар олиб бормоқда.

Перу Олий суди раиси Уолтер Васкес Вехарано расмий баёнот бердики, Фухиморига нисбатан сиёсий таъқиб эълон қилинмаган, унга қўйилган жиноий айбловлар эса мамлакат қонунчилиги асосида кўриб чиқилади.

1990 йилдан 2000 йилгача Перу ҳокимиятини бошқарган Альберто Фухимори коррупцияда, ҳукмронликни ошириб юборганликда, инсониятга қарши «ўлим эскадрони»ни тузганликда, қисқаси, 20 дан ортиқ жиноят содир этганликда айбланмоқда. Шунинг учун халқаро интерпол томонидан қидирув эълон қилинган.

Фухимори икки мамлакат фуқаролигига эга шахс сифатида ушбу ваколатдан фойдаланиб, 2000 йили Японияга яширинган эди. Япония ҳукумати эса уни Перу ихтиёрига топшириш ҳақидаги Перу маъмуриятининг талабларини бир неча бор рад этди.

Собиқ президент Чилида қамоққа олиниш пайтида матбуот учун интервью бериб, «Чили — менинг Перуга қайтиш йўлидаги қисқа тўхтаб ўтиш манзилим эди. Мен 2006 йилда Перуда бўладиган президентлик сайловларида қатнашишни ният қилган эдим», деди.

Манбаларга қараганда, Перу пойтахти Лимада Фухимори тарафдорлари унинг озодлигини талаб қилиб оммавий намойишлар ўтказишмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ (КОНКУРС) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Араб филологияси кафедраси,
доцент, 1 ўрин;
Жанубий Осиё тиллари кафедраси,
катта ўқитувчи, 1 ўрин;
Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси,
кафедра мудири, 1 ўрин; ўқитувчи, 1 ўрин;
Инглиз тили кафедраси №1,
кафедра мудири, 1 ўрин; катта ўқитувчи, 1 ўрин;
Инглиз тили кафедраси №2,
кафедра мудири, 1 ўрин;
Хитой филологияси кафедраси,
кафедра мудири, 1 ўрин;
Япон филологияси кафедраси,
катта ўқитувчи, 1 ўрин;
Педагогика ва тиллар кафедраси,
катта ўқитувчи, 1 ўрин;
Исломшунослик кафедраси,
кафедра мудири, 1 ўрин;
Халқаро муносабатлар, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ кафедраси,
кафедра мудири, 1 ўрин;
МДҲ, Европа ва Америка мамлакатлари иқтисоди кафедраси,
кафедра мудири, 1 ўрин;
Шарқ тиллари кафедраси,
катта ўқитувчи, 1 ўрин;
Корейс филологияси кафедраси,
катта ўқитувчи, 2 ўрин;
Узоқ Шарқ мамлакатлари иқтисоди кафедраси,
доцент, 1 ўрин;
Фалсафа кафедраси,
доцент, 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

Ҳужжатлар:
1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан)
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом.
4. Илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.

700047, Тошкент. Шаҳрисабз (собиқ Лоҳутий) кўчаси, 25, тел.: 133-44-36.

«Жарқўрғоннефт» АЖ акциядорлари диққатига!

2005 йил 23 ноябрь соат 10.00 да «Жарқўрғоннефт» АЖнинг мажлислар залида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ
1. Жамият бошқаруви раисини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг ўзгартирилган низомини тасдиқлаш.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Болалар спорти

ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Кеча пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Аҳмад Югнакий мавзесида янги болалар спорт мажмуининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Замонавий ва муҳташам ушбу мажмуани барпо этиш учун Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, туман ҳокимлиги ва бошқа ҳомий ташкилотлар томонидан 940 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Бу ерда ўғил-қизлар спортнинг футбол, бадиий ва спорт гимнастикаси, кураш, самбо, стол тенниси, волейбол, қўл тўпи, баскетбол сингари ўн бешдан ортиқ тури билан шуғулланишади, — дейди Югнакий болалар спорт мажмуи директори Аваз Махсумов. — Бу спорт секцияларининг бир кунда 600-800 нафар болаларни қабул қилади. Энди тумандаги 21-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳам ўз фаолиятини шу ерда давом эттиради. Мажмуада Бешкапа, Ал-Форобий, Аҳмад Югнакий, Ҳумоюн сингари ўнга яқин маҳаллалар, шунингдек, Фируза, Қорасув мавзеларида яшовчи ўғил-қизлар ўзлари ёқтирган спорт турлари билан шуғулланиб, жисмоний чиниқишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Тўгаракларимиз фаолияти изчиллигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси 24 миллион сўмлик зарур спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлади.

Бир пайтлар қаровсиз, ташландиқ ётган ерда қуриб битказилган янги болалар спорт мажмуи атрофини кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш учун юзлаб мевали ҳамда манзарали дарахт, анвойи гуллар кўчатлари ўтқазилди. Янги иншоот баҳонасида йўллар асфальтланиб, мавзе кўркига кўрк қўшилди.

— Югнакий болалар спорт мажмуасининг ишга тушгани биз ота-оналарни ҳам беҳад қувонтирди, — дейди ўзини Буойша Розямова, деб таништирган онахон. — Қорасув мавзесида яшайман. Ушбу маскан билан хонадонимиз ораси яёв юрилса, 5-10 дақиқалик йўл. Набираларим Юлдуз ва Ҳилола бадиий гимнастика билан шуғулланишади. Улар тўрт ойдан бери «Яланғоч» мавзесида жойлашган «Умид» болалар спорт мажмуидаги тўгарак машғулотларига қатнашарди. Энди набираларим олис йўлга овора бўлишмайди. Муҳими, бу қулайликдан мамнун ота-оналар фарзандим уйга қачон келар экан, деб ортиқча хавотирланмайдилар.

Мажмуанинг тантанали очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев иштирок этди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

Суратда: янги болалар спорти мажмуи тарбияланувчилари.

Спорт

ТИМУРНИНГ НАВБАТДАГИ РАҚИБИ

Профессионал рингда маҳоратини намойиш этаётган боксчиларимиз сони ортиб бормоқда. Ҳамюртларимиздан биринчи бўлиб Артур Григорян ўз вазн тоифасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритгач, Фарҳод Бакиров, Қувончбек Тойғонбоев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев сингари «чарм қўлқоп» усталари ҳам унинг ортидан эргашганлигидан хабарингиз бор. Дунё бокс ишқибозлари ва мутахассислар профессионал рингда кетма-кет зафар қучаётган яна бир вакилимиз Тимур Ибрагимовнинг имкониятларини юқори баҳолашмоқда.

Ўтган беш йил мобайнида Тимур йигирмата жанг ўтказишга муваффақ бўлди. Оғир вазн (90 кг.) тоифасида рингга кўтарилаётган ҳамюртимиз ҳозиргача уюштирилган рейтинг учрашувларининг 19 тасида ғалаба қозонган. Ўн бир жангда ўз рақибларини нокаутга учратган Тимур Ибрагимов машҳур Майк Тайсоннинг алоҳида эътирофига сазовор бўлди.

Шу йилнинг 24 июнида у америкалик Рогерио Лобога қарши рингга чиқди ва ўн икки раундлик баҳснинг тўртинчи раундида рақибини нокаутга учратди. Ушбу учрашувнинг бевосита гувоҳи бўлган «Темир Майк» жангдан сўнг, Тимурнинг қўлини маҳкам сиққанича унга омад тилаганди.

11 ноябрь куни моҳир боксчимиз навбатдаги жангини ўтказиши кутилмоқда. WBC йўналиши бўйича АҚШда уюштириладиган мазкур учрашувда Тимур Ибрагимов асли италиялик, ҳозирда Америкада яшаётган Поль Мариначчиога қарши рингга кўтарилади. Айни пайтда жаҳон профессионал бокси таснифида 65-поғонани эгаллаган ҳамюртимизнинг бу галги рақиби ҳозиргача 23 маротаба рингга чиқиб, шунинг 20 (7 нокаут)тасини ўз фойдасига ҳал қилган. Икки учрашувда дуранг натижа қайд этган бўлса, бор-йўғи битта жангда мағлубият аламини тортган.

Мариначчио 1967 йилда таваллуд топган. У Тимур Ибрагимовга нисбатан саккиз ёш катта бўлса-да, мухлислар кўпроқ ҳамюртимиз ғалабасига умид билдирмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

ПЕКИН ОЛИМПИАДАСИНИ КЎЗЛАБ

Хабарингиз бор, 2008 йилги ёзги Олимпия ўйинлари Пекинда бўлиб ўтади. Халқаро Олимпия қўмитаси қарори билан ушбу олимпиадада илк маротаба спортнинг ушу тури бўйича ҳам баҳслар уюштирилиши кутилмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Ушу миллий федерацияси мазкур нуфузли мусобақага пухта ҳозирлик кўришга катта эътибор қаратяпти. Мамлакат биринчилиги, Ўзбекистон кубоги баҳсларини юксак савияда ўтказиш, борасида барча имкониятлар ишга солинмоқда. Пойтахтимизнинг МҲСК спорт мажмуида ўтказилган VI Ўзбекистон очиқ чемпионати баҳслари ҳам сўзимиз исботидир.

Икки кун давом этган мусобақада Тошкент шаҳри, вилоятлар Қорақалпоғистон республикаси ва Қозоғистон республикаларидан икки юз нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун майдонга чиқди.

— Бу Шарқ яккакураш турининг Олимпия ўйинларига киритилиши федерациямиз мутахассислари зиммасидаги масъулиятни янада оширади, — дейди Ушу миллий федерацияси президенти Владимир Ғасанбеков. — Энди биз нафақат мамлакат микёсидаги, балки халқаро учрашувларда ҳам юқори натижаларни қўлга киритиш учун интилишимиз зарур. Ҳозир юртимизда беш минг нафардан ортиқ йигит-қиз ушу билан мунтазам шуғулланмоқда. Улар орасида мамлакат ва Осиё чемпионлари талайгина. Юртимизда ушу спорт турини янада ривожлантириш мақсадида яқинда бир гуруҳ мутахассисларимиз Хитойнинг Хибей шаҳрида ўз малакаларини ошириб қайтишди.



Болалар ва ўсмирлар ўртасида уюштирилган мазкур мусобақа қатнашчилари дастурдан жой олган таолу ва сангшоу бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Саидхўжа Ғаниев, Дилшод Бозоров, Дмитрий Ким, Ҳуснидин Омонов, Шерзод Рўзибоев, Даврон Очилов сингари иқтидорли ушучилар шоҳсупадан жой олдилар.

— Шу йилнинг 8-15 декабрь кунлари Вьетнамда навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилади, — дейди Ушу миллий федерацияси бош котиби Равшан Ғаниев. — Қолаверса, бу каби чемпионатлар янги-янги номларни кашф қилишда ҳам жуда асқотиши шубҳасиз. Зеро, келгусида бўлажак олимпиячиларимиз ҳам шулар орасидан етишиб чиқади.

Суратда: мусобақадан лавҳа.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

«НЕКСИЯ» БИРИНЧИ

Тошкент шаҳар ва Бўстонлиқ туманининг тоғли йўллари бўйлаб Ўзбекистон Миллий автомобиль федерация кубоги учун халқаро автопойга якунланди. Мусобақада профессионал пойгачилардан иборат 27 жамоа иштирок этди. Ўн саккизинчи марта уюштирилган бу галги мусобақани ҳам «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси ҳузуридаги «Спорт-ралли» клуби ташкил этди. Бу сафар ташкилий ишларга Ўзбекистон Миллий автомобиль федерацияси ҳам қўшилди. Пойгачилар юртимизда ишлаб чиқарилаётган «Нексия» ҳамда Россия, Германия, Япония автомобилларида куч синашдилар.

Жамоа ҳисобида Тошкент автомобиль федерацияси спортчилари биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Тошкент вилояти техника мактаби билан «Юнайтед мотор-спорт» клуби аъзоларига насиб этди. Шерзод Жумаев, Сергей Старчиков ҳамда Игор Газиянцлар энг яхши пойгачи деб эътироф этилдилар. Анъанавий мусобақада қатор йиллардан бери ғалаба қозониб келаётган Сергей Горбунов бу сафар тўрттинчи ўринни эгаллаган бўлса-да, у «Нексия» машинасини моҳирона бошқариб, шу русумдаги техника номинацияси бўйича ғалаба қозонди. Ғолибларга диплом ва совғалар тақдим этилди.

Шаҳобутдин ЗАЙНУТДИНОВ

Суратда: фахрли ўринларни эгаллаган ота-бола Сергей ва Сусана Кукурдимовлар.



2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

«ҲАР БИР БЕМОР ЭЪТИБОРДА...»

ДЕЙДИ ҚАРШИДАГИ 1-АСАБ КАСАЛЛИКЛАРИ ШИФОХОНАСИ БОШ ШИФОКОРИ ҒАЙРАТ МУРОДОВ

Мамлакатимизда ҳар бир соҳада бўлгани каби, тиббиёт тизимида ҳам катта ўзгаришлар бўляпти. Зеро, инсон саломатлиги ҳар нарсадан устун. «Сиҳат-саломатлик» йили дастури бўйича Қашқадарё вилоятида ҳам қатор хайрли ишлар амалга оширилаяпти. Қаршидаги 1-асаб касалликлари диспансери 260 ўринга эга бўлиб, 8 та бўлим ишлаб турибди.

— Мақсадимиз беморлар саломатлигини тиклаш ва соғлом турмуш тарзига қайтариш, тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилашдир, — дейди бош шифокори Ғайрат Муродов. — Шифохонамизда 20 миллион сўмлик қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди ва моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Шундан 9 миллион сўм маблағ ҳомийлар томонидан ажратилди. Шунингдек, Еврокредит йўналишида 22 миллион сўмлик дори-дармон келтирилди. Маълумки, беморга ташхис қўйиш замонавий аппаратлар ёрдамида амалга оширилади. Шундай экан, улардан унумли фойдаланиш учун кадрлар малакасини ошириш зарурати пайдо бўлади. Бош мия жароҳатидан кейинги асоратлар, қон томиридаги ўзгаришларни аниқлаб берадиган ўттиз икки каналли ЭЭГ-электроэцефалограф аппаратидан фойдаланамиз. Асаб касалига учраган беморни даволашда дори-дармон билан бирга ширинсўз, эътибор ҳам муҳим ўрин тутади.

Диспансеримизда 22 нафар олий тоифали шифокорлар, 80 нафар ўрта маълумотли тиббий ходимлар фаолият юритишади.

Режаларимиз катта, келгусида диспансеримизнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, беморлар учун малакали тиббий хизмат турларини кўпайтиришни мўлжаллаяпмиз.

Ҳасан ПАЙДО

Суратда: бир гуруҳ шифокорлар.

Муаллиф олган сурат

Анжуман

САЛОМАТЛИК ВА ОРТИҚЧА ВАЗН

Инсон сиҳат-саломатлиги кўп жиҳатдан унинг тана тузилиши, вазнига ҳам боғлиқдир. Афсуски аҳоли орасида ортиқча вазн тўплаш, яъни семириш ҳолати кўп учрайди.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда ер юзида 1,7 миллиард инсон ортиқча вазн семизлик туфайли диабет, юрак-қон томирлари хасталикларидан, бир миллиард нафар одам эса семизликдан азият чекади.

Семириш касалликми? Нега танада ортиқча вазн пайдо бўлади? Кеча Тошкентдаги «Пойтахт» меҳмонхонасининг мажлислар залида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Эндокринология илмий-текшириш институти олимлари «Саломатлик ва ортиқча вазн муаммолари» мавзуида конференция ташкил қилди.

— Инсон организмида ортиқча вазн тўпланишининг асосий сабаби нотўғри овқатланишдир, — деди анжуманда сўзга чиққан Эндокринология илмий-текшириш институти директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Саид Исмоилов. — Республикамизда 90 минг одам семизлик туфайли келиб чиқадиган хасталикларга чалинган. Семизлик одам танасида иккинчи турдаги қандли диабет касалини келтириб чиқариши мумкин, ундан сақланиш учун эса тиббий савияни оширишга эътиборни қаратиш зарур.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

КЛИЧКОГА СЎНГГИ МУДДАТ БЕРИЛДИ

Бутунжаҳон бокс кенгаши амалдаги ўта оғир вазнли жаҳон чемпиони Виталий Кличкога 90 кунлик муддат бериб, жароҳатини даволатиши ва америкалик Хасим Раҳмон билан жангга киришишига имкон берди. «Top Rank» иш юритувчилар компанияси раҳбари Боб Арумнинг фикрича навбатдаги ва сўнгги жанг муддати келаси йилнинг февраль ё март ойларида бўлиши мумкин. Бундан хабар топган Хасим Раҳмоннинг менежери Стив Нельсон норозилик билдирди. «Муҳим жангни арзир-арзимас баҳоналар билан чўзиш кўпчиликни чарчатмоқда, — дейди Нельсон. — Ахир, бу билан тўртинчи марта учрашув муддати узайтириляпти. Биринчи муддат шу йилнинг 30 апрелига мўлжалланган эди». Нима бўлганда ҳам Бутунжаҳон бокс кенгаши президенти Хосе Сулейман бордию Виталий Кличконинг даволаниши учун берилган уч ой ҳам камлик қилгудек бўлса, у жаҳон чемпиони унвонидан махрум бўлади, деб таъкидлади. Бунда Хасим Раҳмон муваққат чемпионликдан чемпионликка ўтар экан.

ТОШРАБОТДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Қизилтепа туманидаги «Тошработ» ширкат хўжалиги марказида янги коллеж фойдаланишга топширилди. Минг нафар ўқувчига мўлжалланган мазкур касб-ҳунар коллежи асосан енгил саноат тизими учун кадрлар тайёрлаб беради. Айни пайтда 755 нафар талаба илм олишни бошлаган ушбу ўқув даргоҳида тикувчилик, тўқувчилик, ҳисобчилик каби бўлимлар фаолият кўрсатмоқда.

— Қишлоқ ёшлари энди ўзлари танлаган соҳалари бўйича мукаммал илм олиш имкониятига эга бўлдилар, — дейди коллеж директори Баҳриддин Норов. — Келажакда илм масканимизни битирган малакали кадрлар мамлакатимизнинг ривожланиши учун хизмат қилишади.

Музаффар ШАРОПОВ

Тошкент вилояти Ер ва бино, иншоотлар Давлат кадастр хизмати томонидан 2000 йил 12 апрелда Паркент туманидаги «Машкура» хусусий савдо фирмасига берилган серияси TS №000865 рақамли хусусий мулкни тасдиқловчи кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«САНИПЛАСТ»

ЎЗБЕКИСТОН — ИСРОИЛ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Томчилатиб суғориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган, Ўзбекистонда ягона корхона сифатида ғўзани, боғ ва иссиқхоналарни томчилатиб суғориш тизимларини сотиб олишни

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

«Санипласт» лойиҳаларни амалга оширади, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради. Бизнинг мутахассисларимиз экинларни суғориш ва ўғитлашда маслаҳат берадилар. Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмлари етказишга ва хизмат сифатига кафолат берилади.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент шаҳри, Қорасув-4, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

2-Тошкент юридик коллежи маъмурияти ва жамоаси коллеж директори Ҳасанов Абдумуҳтор Азизалиевичга опаси **Ҳабибахон ЮСУПОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Email: uzbovozi@sarkor.uz

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV, Farhod MAHKAMOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 152

6363 nusxada bosildi

1 — Тижорат материали

O'zA yakuni — 20.30
Topshirish vaqti — 21.00
1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda